“TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO‘JALIGINI MEXANIZATSIYALASH MUHANDISLARI INSTITUTI” MILLIY TADQIQOT UNIVERSITETI

# Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш

## Асосий адабиётлар:


1. Valiev X.I., Murodov Sh.O., Xolboev B. “Suv resurslaridan mukammal foydalanish va muxofaza qilish”, Darslik. T. Fan va texnologiya, 2010. - 167 b.
2. Murodov Sh.O., Valiev X.I., Xolboev B. “Suv resurslaridan mukammal foydalanish va muxofaza qilish”, O’quv qo’llanma. T. Aloqachi, 2007. - 160 b.
3. Авакян А.Б., Широков В.М. «Комплексное использование и охрана водных ресурсов», Учебное пособие. Москва: 1990. – 322 с.
4. R. Quentin Grafton, Karen Hussey. “Water Resources Planning and Management “, Published in the United States of America by Cambridge University Press, New York: 2011. – 801 p.

## Мавзу: **ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

## **Режа:**

1. Фаннинг қисқача тарихи;
2. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тарихий, ижтимоий ва иқтисодий зарурияти;
3. Иктисодий тараққиётни таъминлашда фаннинг тутган ўрни ва роли;
4. Фандаги асосий тушунчалар ва атамалар, уларнинг мазмуни.

# Кириш

- Халқимиз азал-азалдан сувни эъзозлаб, унинг ҳар томчисини ҳатто тиллога менгзайди. Асрлар оша ўз оҳорини йўқотмай келаётган «Сув – бебаҳо бойлик», «Сув – зар, сувчи – заргар» каби мақоллар ҳам обиҳаётнинг қанчалик қадрли неъмат эканлигидан далолат беради. Ер юзида ҳаёт мавжудлигининг асосий манбаи ҳам сувдир. Маълумки, инсоният, ўсимлик ва ҳайвонот олами, умуман, ҳеч бир жонзот сувсиз яшай олмайди. Ер шарининг учдан икки қисми сув билан қопланган бўлса-да, унинг 97,5 фоизи шўр сувлар бўлиб, ишлатишга яроқсиздир. Қолган 2,5 фоизи чучук сув ресурсларини ташкил этиб, унинг 79 фоизи абадий музликлар, 20 фоизи ер ости сувлари, 1 фоизи эса дарё ва кўллар ҳиссасига тўғри келади. Маълумотларга қараганда, дунё аҳолисининг ҳар 10 нафардан 4 нафари тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшайди. БМТ экспертлари томонидан 2030 йилга бориб Ер шари аҳолиси 8,2 миллиардга, 2050 йилда эса 9,8 миллиардга етиши башорат қилинмоқда. Табиийки, инсоният кўпайган сари сувга бўлган талаб ортиб боради.

- Океан ва йирик денгизлардан анча олисда, қурғоқчил минтақада жойлашган Ўзбекистон учун ҳам сувнинг аҳамияти бениҳоя катта. Мамлакатимизда фойдаланиладиган сув ресурсларининг 80 фоизга яқини (тахминан 41,5 км3 /йил) қўшни республикалар ҳудудидаги музликлар ҳисобига шаклланади. Глобал иқлим ўзгаришлари сабабли Тожикистондаги мавжуд 8 мингдан ортиқ музликлар майдонининг 30 фоизи, Қирғизистондаги 10 мингга яқин музликлар майдонининг 16 фоизи эриб кетган. 2030 йилга бориб музликларнинг яна 15–20 фоизи йўқолиб кетиши башорат қилинмоқда.



# Планета ахолисининг усиб бориши



# Дунё бўйича суғорма деҳқончиликда сув истеъмоли



| Махсулот номи (1 кг) | Зарурий сув микдори (литр) |
|---|---|
| 1. Мол гўшти | 15000 |
| 2.Пишлоқ | 5000 |
| 3.Чўчқа гўшти | 4800 |
| 4.Товуқ гўшти | 4300 |
| 5. Дуккаклилар | 4000 |
| 6.Гурунч | 3400 |
| 7.Соя | 2100 |
| 8.Нон | 1300 |
| 9.Буғдой | 1000 |
| 10.Помидор | 180 |
| 11.Салат | 130 |
| 12.Картошка | 100 |

Битта гамбургер тайёр бўлиш учун 2400 литр сув кетади



# Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида мавжуд сув ресурслари ва унинг давлатлар ўртасида тақсимланиши

| Давлатлар | Жами | Шу жумладан | |
|---|---|---|---|
| | | Сирдарё | Амударё |
| Ўзбекистон | 56,19 | 17,28 | 38,91 |
| Қирғизистон | 4,41 | 4,03 | 0,38 |
| Қозоғистон | 12,29 | 12,29 | |
| Тожикистон | 12,34 | 2,46 | 9,88 |
| Туркманистон | 21,73 | | 21,73 |
| Афғонистон | 7,44 | | 7,44 |
| Жами | 114,4 | 36,06 | 78,34 |

# Сирдарё, Амударё ҳавзаларидаги мавжуд ва истеъмол қилинадиган сув ресурслари

## Сирдарё 36,06 км3




## Амударё 78,34 км3



# Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш

Сув хўжалиги вазирлиги

Марказий диспетчерлик хизмати

Сув хўжалиги бош бошқармаси

Вилоятлараро каналлар, Жами -3 АБМК, ЖММК, ФВМК

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари,

Ирригация тизимлари ва магистрал каналлар

Сув истеъмолчилари уюшмалари

Сув истеъмолчилари (фермер ва деҳқон хўж.)

# Иқтисодиёт соҳалари бўйича сувнинг ишлатилиши



# Сув ресурслари кам бўлган йиллар

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2000й. | 2001й. | 2008й. | 2011й. |





# Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги

- 180 минг.км суғориш тармоқлари
- 160 минг. дона сув хўжалиги иншоотлари;
- 800 та йирик иншоотлар;
- йиллик электр энергияси сарфи 8,2 млрд.кВт соат бўлган 1496 та насос станциялари;
- 19,1 млрд.$м^3$ бўлган 55 та сув омборлари;
- 4124 дона суғориш тик қудуқлари;

- 102,8 минг.км очиқ зовур тармоқлари;
- 38,3 минг. км ёпиқ дренаж тармоқлари;
- 3451 та тик дренаж қудуқлари;
- 153 та мелиоратив насос станциялари;
- 24839 та кузатув қудуқлари ва бошқа.

# Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни

- 30.11.2021 йилдаги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қонун 1993 йил 6 майда қабул қилинган бўлиб, XXIX БОБ 119-моддадан иборат республикамизда сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш борасидаги муносабатлар ушбу Қонун асосида тартибга солинади.

35-модда. Сувдан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари

$50^{1}$-модда. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан фойдаланувчи сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари

# Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганлик учун жавобгарлик

- Сув истеъмолчилари томонидан лимитдан ортиқча сув олинганлиги учун – лимитдан ортиқча олинган ҳар минг кубометр сув учун - белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 10 фоизи миқдорида;
- Сув олишга рухсат этилмаган жойлардан сув олганлик учун, шунингдек сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сувни ўз бошимчалик билан эгаллаганлик учун – олинган ҳар минг кубометр сув учун - белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима санкциялари қўлланилади.
- Бир йил мобайнида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби такроран бузилган тақдирда ушбу бандда кўрсатилган жарима санкциялари ўн баравар миқдорида қўлланилиши белгиланган.

# Сув тежамкор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сон Қарорига асосан:

**Гектарига 8 млн. сўмдан субсидия берилади**

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пахта хомашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун ғўза экиладиган майдоннинг ҳар бир гектарига 8 млн. сўм субсидия тақдим этилади.

**Кредит миқдорининг 10 фоизли пункти тўлаб берилади**

Пахта хомашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш тизимларини қуриш, реконструкция қилиш ва уларнинг бутловчи қисмларини сотиб олиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасидан бир гектарга 20 млн. сўмдан ошмайдиган қисмининг 10 фоизли пункти миқдорида қопланади.

**2021 йилнинг 1 январига қадар божхона божини тўлашдан озод этилади**

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, томчилатиб суғориш тизими ускуналарини ишлаб чиқарувчилар томонидан олиб кириладиган, томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш учун зарур бўлган бутловчи қисмлар ва хомашёлар 2021 йилнинг 1 январига қадар божхона божини тўлашдан озод этилади.

**5 йил муддатга ягона ер солиғи тўламайди**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 428-моддасига асосан юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга ер солиғидан озод этилади.

# Республика бўйича олинаётган сув микдорининг ўзгариши



# 1 гектар майдонга сарфланаётган сув миқдори



# Суғориладиган ерларнинг шўрланганлик даражаси



# Фанда учрайдиган асосий тушунчалар

- **<u>Сув ресурсларини мухофаза килиш</u>** деб улар хоссаларини бузилиши ва ифлосланиши, бехуда сарфланиши ва барвакт камайиб кетишини бартараф килишга йуналтирилган хукукий, ижтимоий, ташкилий, техник ва иктисодий тадбирлар мажмуасига айтилади.
- **<u>Сув ресурслари тежамкорлиги</u>** деб уларни мухофазаси хакидаги конун ва коидаларга тула амал килган холда бажарилган иш ёки ишлаб чикарилган махсулот бирлигига уларни иложи борича кам сарфланишини таъминлашга айтилади.
- **<u>Сув ресурсларини бошкариш</u>** деб уларни макон ва вакт давомида таркалишини ва таксимланишини (микдорини ва сифатини) истеъмолчи талабига мослаштиришга (кайта таксимланишига) айтилади

# Фанда учрайдиган асосий тушунчалар

- **<u>Сув ресурсларидан окилона (самарали) фойдаланиш-деб</u>** табиат мухофазаси хакидаги барча конун ва коидаларга тула риоя килган холда улардан фойдаланиш жамиятга факат хозирги кунда эмас, балки тасаввур килиш мумкин булган узок келажакда хам энг юкори самара олишни таъминловчи фойдаланишга айтилади.
- Сув ресурсларидан окилона (самарали) фойдаланишга улар ресурслардан <u>мукаммал (комплекс) фойдаланилгандагина</u> эришиш мумкин.
- **Сув манбаларининг барча фойдали хосса ва хусусиятларидан бир вактда ёки кетма-кет иктисодий жихатдан окилона (самарали) фойдаланиш улардан мукаммал фойдаланиш дейилади.**